

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВ ДИЁР ШУКУРУЛЛАЕВИЧ

ҚОРИН ЧУРРАЛАРИ ВА УНИНГ АСОРАТЛАНГАН ШАКЛЛАРИДА
ХИРУРГИК ДАВОНИНГ ТАКТИК – ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of Science (DSc)

Абдурахманов Диёр Шукуруллаевич

Қорин чурралари ва унинг асоратланган шаклларида

хирургик давонинг тактик – техник жиҳатлари 3

Абдурахманов Диёр Шукуруллаевич

Тактико-технические аспекты хирургии грыж

живота и его осложненных форм 29

Abdurakhmanov Diyor Shukurullaevich

Tactical and technical aspects of surgery

of abdominal hernias and its complicated forms 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 63

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМАНОВ ДИЁР ШУКУРУЛЛАЕВИЧ

ҚОРИН ЧУРРАЛАРИ ВА УНИНГ АСОРАТЛАНГАН ШАКЛЛАРИДА
ХИРУРГИК ДАВОНИНГ ТАКТИК – ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2025

Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) нинг диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.DSc/Tib920 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:	Курбаниязов Зафаржон Бабажанович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хўжабаев Сафарбой Тухтабаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент Ризаев Ёзозбек Алимджанович тиббиёт фанлари доктори, доцент Назаров Шохин Куватович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	ЧА университети, Бунданг тиббиёт маркази (Корея Республикаси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

С.Э. Мамараджабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...қорин бўшлиғи вентрал чурралари ва уларнинг асоратли шакллари замонавий жарроҳликнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда...»¹. Бу ҳолат беморларнинг ҳаёт сифатига сезиларли таъсир кўрсатиб, жиддий ижтимоий-иқтисодий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Ушбу патологиянинг пайдо бўлиш частотаси барқарор равишда юқори бўлиб, ўсишда давом этмоқда. Бу ҳолат қорин бўшлиғи операциялари сонининг кўпайиши, аҳолининг қариши, шунингдек, семизлик, сурункали ўпка касалликлари ва қорин бўшлиғи ички босимининг ошиши каби хавф омилларининг кенг тарқалиши билан боғлиқ. Чурраларнинг асоратли шакллари - қисилган, инфекцияланган ва тўқималарнинг яққол дегенератив ўзгаришлари билан кечадиган ҳолатлари - жарроҳлик даволашда алоҳида тактик ва техник ёндашувни талаб этади. Бу операциядан кейинги асоратлар ва касалликнинг қайта юзага келиш эҳтимоли юқорилиги билан изоҳланади. Шу боис, ташхислаш усулларини такомиллаштириш, қорин олд девори ҳолатини баҳолаш, мақбул жарроҳлик техникасини танлаш ва операциядан кейинги даврда беморларни олиб бориш клиник амалиёт ва илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Ушбу мавзунинг долзарблиги вентрал чурраларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш ва асоратлар частотасини камайтириш учун самарали, индивидуаллаштирилган тактик ва техник ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш зарурати билан белгиланади. Бу эса мазкур патология билан оғриган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг хавфсизлиги ва сифатини ошириш имконини беради.

Дунё миқёсида қорин чурралари ва уларнинг асоратли шаклларини жарроҳлик йўли билан даволашда тактик-техник ёндашувларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Замонавий ташхис ва жарроҳлик даволаш усулларининг ривожланишига қарамай, операциянинг мақбул тактикасини танлаш, касалликнинг қайта юзага чиқишини олдини олиш ва операциядан кейинги асоратларни камайтириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Беморни операцияга тайёрлашда чурра нуқсонининг ўлчамлари ва хусусиятларини, қорин олд деворининг мушак-апоневротик тузилишининг ҳолатини, шунингдек, ҳамроҳ соматик касалликларни пухта баҳолашни ўз ичига олган комплекс ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Герниоабдоминометрия билан ўтказиладиган компьютер томографияси каби замонавий инструментал усуллар патологик жараённинг батафсил манзарасини олиш ва ҳар бир бемор учун индивидуал герниопластика тактикасини танлаш имконини беради. Айниқса, қисилган ва операциядан кейинги вентрал чурралар каби асоратли шаклларни олдини олиш ва даволаш муҳим вазифа ҳисобланади, чунки улар юқори аниқликдаги жарроҳлик аралашувларни ва операциядан кейинги дастлабки даврда беморнинг аҳволини синчков назорат қилишни талаб этади.

¹ World Health Organization. Hernias: fact sheet no. 199. World Health Organization website. 2017. www.who.int/iris/handle/10589/1111189.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»². каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VI-устувор йўналиши "Тиббиёт ва фармакология"га мувофиқ равишда амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Қорин олд девори қисилган чурралари бўлган беморларни хирургик даволаш соҳасидаги илмий-амалий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари, лойиҳалари, олий таълим муассасалари томонидан олиб борилган. Булар қаторига Амстердам университети академик тиббиёт маркази, Маастрихт университети тиббиёт маркази (Нидерландия), Нью-Ёрк давлат университети (АҚШ), Фарбий Уэлс бош касалхонаси (Буюк Британия), Окленд университети (Янги Зеландия), Medanta Hospital (Ҳиндистон), Global Water Pathogen Project (Швейцария), Герниологларнинг Европа жамияти (Польша), Россия хирурглар жамияти, И.И. Жанелидзе номидаги Санкт-Петербург шошинч тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти, Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги ФДБМ, А.В.Вишневский номидаги Миллий тиббий хирургия илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази, В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Ўзбекистон хирурглар жамияти қиради.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.pku.edu.cn, www.qdu.edu.cn, www.cgu.edu.tw, www.usj.edu.lb, www.umed.wroc.pl, www.ku.dk, www.snu.ac.kr, www.yonsei.ac.kr, www.ngt.ndu.ac.jp, www.unife.it, www.univaq.it, www.unibs.it, www.udea.edu.co, www.otago.ac.nz, www.iau.ac.ir, www.manchester.ac.uk, www.sydney.edu.au, www.cu.edu.eg, www.ufjf.br; www.uva.nl; www.portal.estacio.br; www.uwa.edu.au; www.unesp.br; www.khu.ac.kr. www.tmu.edu.tw; www.tsdi.uz

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари илмий-тадқиқот маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда қорин олд девори қисилган чурраларини даволашда жарроҳлик аралашувига ёндашувларни стандартлаштириш, интра- ва операциядан кейинги асоратларни минималлаштириш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини тиклаш нуқтаи назаридан узоқ муддатли натижаларни баҳолаш асосий йўналишлар ҳисобланади. Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида герниопластиканинг кам инвазив усуллари, шунингдек, антибактериал ва гемостатик хусусиятларга эга бўлган замонавий синтетик тўрли имплантлардан фойдаланишни ўз ичига олган технологиялар кенг тарқалган. Халқаро регистрлар маълумотларига кўра, бундай ишланмалар рецидивлар частотасини, инфекция асоратлар сонини сезиларли даражада камайтиради ва беморларнинг реабилитациясини тезлаштиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, беморнинг соматик ҳолати, қисилиш табиати, чурра таркибидаги некроз мавжудлиги ва битишма жараёнининг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда шахсийлаштирилган жарроҳлик тактикасини танлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, нафақат асоратларни минималлаштириш, балки операциядан кейинги ҳаёт сифатини башорат қилиш имконини берувчи операциядан олдинги табақалаштирилган хавф технологиялари ва мултидисциплинар ёндашувлар муҳим роль ўйнайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, қориннинг вентрал ва бошқа турдаги чурраларини даволаш самарадорлиги кўп жиҳатдан жарроҳлик аралашувининг тактикаси ва техник усуллари тўғри танлашга боғлиқ. Герниопластикага замонавий ёндашувлар турли хил тўрсимон имплантларни қўллаш, лапароскопик ва очиқ усуллардан фойдаланиш, шунингдек, ёндош касалликларни ҳисобга олган ҳолда беморларни операциядан олдинги комплекс тайёрлашни ўз ичига олади (Цап С.В., Прудков М.И., Цап Н.А., 2022; Gogna S., Latifi R., Policastro A., Prabhakaran K., Anderson P. et al., 2020).

Қисилган ва такрорий чурралар каби чурраларнинг асоратли шакллари олддини олиш ва даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, чунки улар мураккаб жарроҳлик ёндашувини ва операциядан кейинги пухта кузатувни талаб қилади. Адабиётларда таъкидланишича, герниоабдоминометрия билан компьютер томографияси каби инновацион усулларни қўллаш қорин олд девори тўқималарининг ҳолатини аниқроқ баҳолаш ва оптимал пластика усулини танлаш имконини беради, бу эса қайталаниш ва операциядан кейинги асоратлар хавфини сезиларли даражада камайтиради (Halligan S., Parker S. G., Plumb A. A., Windsor A., 2018).

Бундан ташқари, тадқиқотлар қорин чурраси билан оғриган беморларни даволашда жарроҳлар, анестезиологлар, физиотерапевтлар ва реабилитация мутахассисларининг иштирокини ўз ичига олган кўп тармоқли ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлайди. Бундай комплекс ёндашув функционал натижаларни яхшилашга, касалхонада ётиш муддатини қисқартиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга ёрдам беради (Эгиев В.Н., Кулиев С.А., Эвсюкова И.В., 2018).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Жароҳатлар, хирургик касалликлар ва ўсмаларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва жорий этиш» мавзуси доирасида бажарилди (Давлат реэстри № 012400287).

Тадқиқотнинг мақсади тактик-техник ёндашувларни такомиллаштириш ва герниопластика усулини танлашни оптималлаштириш орқали вентрал чурраларни даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

модификацияланган пневматик белбоғ-бандажни жорий этган ҳолда қорин олд девори чурраси бўлган беморларни операциядан олдин тайёрлаш комплексини такомиллаштириш;

операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтириш мақсадида вентрал чуррали беморларни олиб бориш алгоритмини оптималлаштириш;

қорин олд деворини тикишда ковак аъзоларнинг тасодифан шикастланишини олдини олиш учун қурилманинг қўлланилиш самарадорлигини баҳолаш;

инфекцияланган чурра қопчаси ва катта чурра нуқсонлари бўлган беморларни даволашда таранглашмаган герниопластиканинг модификацияланган усули самарадорлигини баҳолаш;

ишлаб чиқилган шкала ёрдамида герниопластикадан кейин беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. 2016 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг жарроҳлик бўлимида қорин олд девори вентрал чурраларининг асоратланмаган ва қисилган шакллари билан стационар даволанган 242 нафар бемор бўлди.

Тадқиқотнинг предмети. Герниопластика усулини танлашга дифференциал ёндашувдан фойдаланган ҳолда вентрал чурраси бўлган беморларни комплекс текшириш ва жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилди: умумий клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

герниопластикадан кейинги даврда юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларини интраабдоминал гипертензияга мослаштиришга қаратилган модификацияланган пневматик камар-бандаждан фойдаланган ҳолда қорин олд девори чурраси бўлган беморларни операциядан олдинги тайёрлаш усули ишлаб чиқилди;

вентрал чурраси бўлган беморларни жарроҳлик даволаш усулини танлаш учун алгоритм ва балл шкаласи ишлаб чиқилган бўлиб, қорин олд деворини реконструкция қилишнинг техник жиҳатларини такомиллаштириши исботланган;

қорин олд деворини тикишда ичи бўш аъзонинг тасодифан тешилишини олдини олувчи қурилма ишлаб чиқилган (ихтирога патент № IAP 7951);

резекция талаб этиладиган инфекцияланган чурра қопчаси бўлган беморларда, шунингдек йирик чурра нуқсонлари мавжуд бўлганда қорин бўшлиғи ички босимининг ортиқча кўтарилиши хавфини минималлаштириш билан қорин олд девори бутунлигини тиклаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қорин бўшлиғи компартмент-синдроми ривожланишининг олдини олишга қаратилган таранглашмаган герниоаллопластика усули оптималлаштирилган;

вентрал чурралар герниопластикасида кейин беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолашнинг ихтисослаштирилган унификатсияланган шкаласини ишлаб чиқиш учун кундалик фаолиятнинг жисмоний, психологик ва ижтимоий жиҳатларини дифференциал баҳолаш билан клиник ва инструментал параметрлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Вентрал чурранинг ўлчами ва жойлашувидан қатъи назар, қорин бўшлиғи босимининг ошишига операциядан олдинги мослашувни яхшилайдиган модификацияланган пневматик камар-бандаж модели операциядан кейинги турли асоратлар ривожланиш хавфини камайтириши исботланди;

Вентрал чурраси бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш усулини танлаш учун алгоритм ва балл шкаласи ишлаб чиқилди. Бу эса жарроҳлик аралашувининг оптимал тактикасини аниқроқ белгилаш имконини берди, натижада қорин олд деворини реконструкция қилишнинг техник жиҳатлари такомиллашди ва операциядан кейинги асоратлар сони камайди;

Қорин олд деворини тикиш пайтида ичи бўш аъзонинг тасодифан тешилишини олдини олувчи патентланган мослама қўлланилиши жарроҳлик аралашувларининг хавфсизлигини ошириши ва операция давомида ички аъзоларнинг шикастланиш хавфини камайтириши аниқланди;

Инфекцияланган чурра қопи ва йирик чурра нуқсонлари бўлган беморларда абдоминал компартмент синдромининг олдини олишни ҳисобга олган ҳолда таранглашмаган герниоаллопластиканинг оптималлаштирилган усули қўлланилиши операциядан кейинги тикланишни яхшилаши, қорин бўшлиғи босимининг ошиши билан боғлиқ асоратлар хавфини камайтириши ва жарроҳлик даволаш самарадорлигини ошириши исботланди;

Вентрал чурралар герниопластикасида кейин ҳаёт сифатини баҳолашнинг ихтисослаштирилган унификатсияланган шкаласи учун аниқлаштрилган клиник ва инструментал параметрларни жорий этиш беморларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий ҳолатини комплекс ва дифференциал баҳолашни таъминлади. Бу эса кейинги кузатув сифатини оширди ва реабилитация тадбирларини беморларнинг индивидуал эҳтиёжларига мослаштириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларини қўллаш орқали тасдиқланди. Барча олинган натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган. Статистик таҳлил олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифларнинг назарий

жиҳатдан муҳимлиги билан белгиланади. Улар вентрал чурраси бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш хусусиятларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшади. Герниопластикадан кейинги даврда юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларини интраабдоминал гипертензияга мослаштириш мақсадида, модификацияланган пневматик камар-бандаждан фойдаланган ҳолда қорин олд девори чурраси бўлган беморларни операцияга тайёрлаш усули ишлаб чиқилди. Вентрал чурраси бўлган беморларни жарроҳлик даволаш усулини танлаш учун алгоритм ва балл шкаласи яратилди. Бу қорин олд деворини реконструкция қилишнинг техник жиҳатларини такомиллаштиришга хизмат қилди. Қорин олд деворини тикиш пайтида ичи бўш аъзонинг тасодифан тешилишини олдини олувчи мослама ишлаб чиқилди (Ихтирога патент № IAP 7951). Инфекцияланган чурра қопчаси резекциясини талаб қиладиган ва йирик чурра нуқсонлари мавжуд бўлган беморларда абдоминал компартмент-синдром ривожланишининг олдини олишга қаратилган таранглашмаган герниоаллопластика усули оптималлаштирилди. Бунда қорин бўшлиғи ички босимининг ортиқча кўтарилиши хавфини минималлаштирган ҳолда қорин олд девори бутунлигини тиклаш хусусиятлари инобатга олинди. Вентрал чурралар герниопластикадан сўнг беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолашнинг ихтисослаштирилган унификатсияланган шкаласини ишлаб чиқиш учун клиник ва инструментал параметрлар аниқлаштирилди. Бу шкала кундалик фаолиятнинг жисмоний, психологик ва ижтимоий жиҳатларини дифференциал баҳолаш имконини беради.

Ишнинг амалий қиймати шундаки, пневматик камар-бандажнинг модификацияланган модели вентрал чурранинг ўлчами ва жойлашувидан қатъи назар, қорин бўшлиғи босимининг ошишига операциядан олдинги мослашув самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу эса операциядан кейинги турли асоратлар ривожланиш хавфини камайтиради. Вентрал чурраси бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш усулини танлаш алгоритми ва балл шкаласи ишлаб чиқилди. Бу жарроҳлик аралашувининг оптимал тактикасини аниқроқ белгилаш имконини берди, қорин олд деворини реконструкция қилишнинг техник жиҳатларини такомиллаштиришга ва операциядан кейинги асоратлар сонини камайтиришга ёрдам берди. Қорин олд деворини тикишда ичи бўш аъзонинг тасодифан тешилишини олдини олувчи патентланган мосламадан фойдаланиш жарроҳлик аралашувларининг хавфсизлигини ошириш ва операция давомида ички аъзоларнинг шикастланиш хавфини камайтиришни таъминлаши исботланди. Инфитсирланган чурра қопи ва йирик чурра нуқсонлари бўлган беморларда абдоминал компартмент синдромининг олдини олишни ҳисобга олган ҳолда таранглашмаган герниоаллопластиканинг оптималлаштирилган усули операциядан кейинги тикланишни яхшилашга, қорин бўшлиғи босимининг ошиши билан боғлиқ асоратлар хавфини камайтиришга ва жарроҳлик даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Вентрал чурралар герниопластикадан кейин ҳаёт сифатини баҳолашнинг ихтисослаштирилган унификатсияланган шкаласи учун аниқлаштирилган клиник ва инструментал параметрларни жорий этиш беморларнинг жисмоний, психологик ва ижтимоий ҳолатини ҳар томонлама ва дифференциал баҳолашни таъминлади. Бу кейинги

кузатув сифатини оширди ва реабилитация тадбирларини беморларнинг индивидуал эҳтиёжларига мослаштириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорин чурралари ва унинг асоратланган шаклларида хирургик давонинг тактик – техник жиҳатлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 22.10.2024 й. 07/47-сон хулосаси):

биринчи илмий янгилик: герниопластикадан кейинги даврда юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларини интраабдоминал гипертензияга мослаштиришга қаратилган модификацияланган пневматик камар-бандаждан фойдаланган ҳолда қорин олд девори чурраси бўлган беморларни операциядан олдинги тайёрлаш усули ишлаб чиқилди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Шароф Рашидов тиббиёт бирлашмаси (20.01.2024 й. 3-сон буйруғи), Ромитан тиббиёт бирлашмаси (24.01.2024 й. 01/74-сон буйруқ), Қашқадарё вилоят фтизиатрия шифохонаси (23.01.2024 й. 10-Т-сон буйруқ) ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (20.01.2024 й. 12-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: вентрал чурранинг ўлчами ва жойлашувидан қатъи назар, қорин бўшлиғи босимининг ошишига операциядан олдинги мослашувни яхшилайдиган модификацияланган пневматик камар-бандаж модели операциядан кейинги турли асоратлар ривожланиш хавфини камайтириши исботланди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: қорин бўшлиғи босимининг ошишига операциядан олдинги мослашувни яхшилайдиган модификацияланган пневматик камар-бандаж модели билан жарроҳлик даволашни қўллаш доирасида беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 7-8 кун учун 3476500 сўм. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 1056800 сўм сарфланади. Иқтисодий кўрсаткич 5456200 сўмни ташкил этади (бир нафар бемор учун). Хулоса: такомиллаштирилган пневмобандажни қўллаш вентрал чурраси бўлган беморларни операциядан олдинги тайёрлаш сифатини сезиларли даражада яхшилаш, герниопластикадан кейин қорин ичи босимининг ортиши хавфини камайтириш, беморнинг аҳволини эртароқ яхшилашга эришиш ва шунга мос равишда операциядан кейинги қорин бўшлиғидан ташқари асоратлар частотасини 7,4 фоиздан 2,9 фоизгача пасайтириш имконини берди.

иккинчи илмий янгилик: вентрал чурраси бўлган беморларни жарроҳлик даволаш усулини танлаш учун алгоритм ва балл шкаласи ишлаб чиқилган бўлиб, қорин олд деворини реконструкция қилишнинг техник жиҳатларини такомиллаштириши исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Шароф Рашидов тиббиёт бирлашмаси (20.01.2024 й. 3-сон буйруғи), Ромитан тиббиёт бирлашмаси (24.01.2024 й. 01/74-сон буйруқ), Қашқадарё вилоят фтизиатрия шифохонаси (23.01.2024 й. 10-Т-сон буйруқ) ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (20.01.2024 й. 12-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: вентрал чурраси бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш усулини танлаш учун алгоритм ва балл шкаласи ишлаб чиқилди. Бу эса

жарроҳлик аралашувининг оптимал тактикасини аниқроқ белгилаш имконини берди, натижада қорин олд деворини реконструкция қилишнинг техник жиҳатлари такомиллашди ва операциядан кейинги асоратлар сони камайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: вентрал чурраси бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш усулини танлаш учун алгоритм орқали беморларда миниинвазив технологиялардан фойдаланиш беморларнинг стационарда қолиш муддатининг қисқариши, дори-дармон сарфи камайиши ҳисобига 1 бемор ҳисобида 1546500 сум тежалишига олиб келди. Бу маблағнинг тежалиши стационарда даволаниш муддатини камайтирди, шу асосда тиббий хизматга сарфланадиган маблағни тежалиши билан асосланган. Хулоса: вентрал чурраларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг такомиллаштирилган тактик ва техник жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган алгоритмни қўллаш операциядан кейинги асоратларнинг умумий частотасини 34,2 фоиздан 8,2 фоизгача ($p=0,045$), шу жумладан жароҳат асоратларини 19,4 фоиздан 3,7 фоизгача сезиларли даражада камайтирди. Шунингдек, герниопластиканинг турли вариантларидан кейин жарроҳлик аралашуви ва реабилитация даври давомийлиги ишончли тарзда қисқарди. Операциядан кейинги узок даврда вентрал чурранинг қайталаниш частотаси таққослаш гуруҳидаги 15,0 фоиздан асосий гуруҳдаги 1,9 фоизгача камайди.

учинчи илмий янгилик: қорин олд деворини тикишда ичи бўш аъзонинг тасодифан тешилишини олдини олувчи курилма ишлаб чиқилди (ихтирога патент № IAP 7951). Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Шароф Рашидов тиббиёт бирлашмаси (20.01.2024 й. 3-сон буйруғи), Ромитан тиббиёт бирлашмаси (24.01.2024 й. 01/74-сон буйруқ), Қашқадарё вилоят фтизиатрия шифохонаси (23.01.2024 й. 10-Т-сон буйруқ) ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (20.01.2024 й. 12-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: қорин олд деворини тикиш пайтида ичи бўш аъзонинг тасодифан тешилишини олдини олувчи патентланган мослама қўлланилиши жарроҳлик аралашувларининг хавфсизлигини ошириши ва операция давомида ички аъзоларнинг шикастланиш хавфини камайтириши аниқланди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: қорин олд деворини тикиш пайтида ичи бўш аъзонинг тасодифан тешилишини олдини олувчи патентланган мослама қўлланилиши одатда умумий ўртача 314000 сўм сарфланади. Беморларга юқоридаги тавсия қилинган минимал инвазив жарроҳликни ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 5311800 сўмни ташкил этади. Хулоса: қорин олд деворини тикишда қорин бўшлиғи ковак аъзоларининг тасодифий шикастланишини олдини олувчи ишлаб чиқилган курилмани қўллаш асосий гуруҳдаги беморларда ушбу асоратларни бутунлай бартараф этди, таққослаш гуруҳида эса уларнинг частотаси 1,8 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, курилмадан фойдаланиш протезни тикиш ва маҳкамлаш босқичининг техник мураккаблигини камайтиришга ёрдам берди, бу эса ушбу операцияни бажариш вақтини $32,6 \pm 0,5$ дақиқадан $23,4 \pm 0,7$ дақиқাগача ишончли тарзда қисқартирди ($P<0,001$).

тўртинчи илмий янгилик: резекция талаб этиладиган инфекцияланган чурра қопчаси бўлган беморларда, шунингдек йирик чурра нуқсонлари мавжуд бўлганда

қорин бўшлиғи ички босимининг ортикча кўтарилиши хавфини минималлаштириш билан қорин олд девори бутунлигини тиклаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қорин бўшлиғи компартмент-синдроми ривожланишининг олдини олишга қаратилган таранглашмаган герниоаллопластика усули оптималлаштирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Шароф Рашидов тиббиёт бирлашмаси (20.01.2024 й. 3-сон буйруғи), Ромитан тиббиёт бирлашмаси (24.01.2024 й. 01/74-сон буйруқ), Қашқадарё вилоят фтизиатрия шифохонаси (23.01.2024 й. 10-Т-сон буйруқ) ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (20.01.2024 й. 12-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: инфекцияланган чурра қопи ва йирик чурра нуқсонлари бўлган беморларда абдоминал компартмент синдромининг олдини олишни ҳисобга олган ҳолда таранглашмаган герниоаллопластиканинг оптималлаштирилган усули қўлланилиши операциядан кейинги тикланишни яхшилаши, қорин бўшлиғи босимининг ошиши билан боғлиқ асоратлар хавфини камайтириши ва жарроҳлик даволаш самарадорлигини ошириши исботланди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: тавсия қилинган комплекс даво тактикаси орқали беморларда стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 4893350 сўм сарфланади. Бу сумманинг ичида оператив даво ва 2 кун реанимация ва 5-7 кун интенсив терапия бўлимидаги ўрин-кунлар 1829900 (431300 + 1398600) сўмни ташкил қилади. Беморларга юқоридаги тавсия қилинган комплекс даво натижасида миниинвазив жарроҳлик амалиётини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 32659800 сўмни (2 та беморга) ташкил етади. Хулоса: инфекцияланган чурра халтаси ва яққол чурра нуқсонлари бўлган асосий гуруҳдаги беморларда таранглашмаган герниоаллопластиканинг модификацияланган усулини қўллаш битишмали ичак тутилиши ва ичак оқмаларининг шаклланиши каби оғир операциядан кейинги асоратларнинг ривожланишини бутунлай олдини олди. Таққослаш гуруҳида ушбу асоратларнинг частотаси мос равишда 25,9 фоиз ва 11,1 фоизни ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда улар кузатилмади. Олинган натижалар таклиф этилган жарроҳлик аралашуви усулининг юқори клиник самарадорлиги ва хавфсизлигини кўрсатади.

бешинчи илмий янгилик: вентрал чурралар герниопластикасидан кейин беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолашнинг ихтисослаштирилган унификатсияланган шкаласини ишлаб чиқиш учун кундалик фаолиятнинг жисмоний, психологик ва ижтимоий жиҳатларини дифференциал баҳолаш билан клиник ва инструментал параметрлар аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Шароф Рашидов тиббиёт бирлашмаси (20.01.2024 й. 3-сон буйруғи), Ромитан тиббиёт бирлашмаси (24.01.2024 й. 01/74-сон буйруқ), Қашқадарё вилоят фтизиатрия шифохонаси (23.01.2024 й. 10-Т-сон буйруқ) ва Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (20.01.2024 й. 12-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: вентрал чурралар герниопластикасидан кейин ҳаёт сифатини баҳолашнинг ихтисослаштирилган унификацияланган шкаласи учун аниқлаштрилган клиник ва инструментал параметрларни жорий этиш беморларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий ҳолатини комплекс ва дифференциал баҳолашни таъминлади. Бу эса кейинги кузатув сифатини оширди

ва реабилитация тадбирларини беморларнинг индивидуал эҳтиёжларига мослаштириш имконини берди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ихтисослаштирилган унификацияланган усул қўлланиладиган дифференциаллаштирилган жарроҳлик тактикасини қўллаш, реабилитация муддатларининг қисқариши туфайли беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 12456500 сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 20% гача бюджет маблағларини тежашга олиб келади. Хулоса: беморларнинг ҳаёт сифатини такомиллаштирилган шкала бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, вентрал чурраларни даволашнинг оптимал тактикасини танлашга комплекс ёндашув алгоритминини қўллаш «аъло ва яхши» натижалар улушини 77,7 фоиздан (таққослаш гуруҳидаги 72 бемордан 56 нафари) 92,1 фоизгача (асосий гуруҳидаги 102 бемордан 94 нафари) ошириш ва қоникарсиз натижалар частотасини 8,3 фоиздан (таққослаш гуруҳидаги 72 бемордан 6 нафари) 1,9 фоизгача (асосий гуруҳидаги 102 бемордан 2 нафари) камайтириш имконини берди ($p=0,030$).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманда, шулардан 11 таси халқаро ва 2 таси республика миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий ишлар, шу жумладан 1 та ихтиро патенти, 15 та журнал мақолалари, 13 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матн ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланиб, унинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган. Олиб борилган ишнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Асоратларни даволаш ва олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган янги ташхис ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишдан иборат илмий янгилик аниқланган. Тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, клиник амалиётда қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган. Олинган натижалар тиббиёт муассасаларининг амалий фаолиятига татбиқ этилган бўлиб, бу уларнинг юқори клиник аҳамияти ва самарадорлигини тасдиқлайди. Диссертациянинг асосий қоидаларини акс эттирувчи нашрлар ҳақида маълумотлар келтирилган, ишнинг илмий анжуманларда синовдан ўтказилганлиги ва диссертация тадқиқотининг тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Қорин олд девори чурралари ва улар билан боғлиқ асоратларда операциялар тактикаси ва техникасининг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобда қорин олд девори

чурраларининг эпидемиологик аҳамияти, жумладан дунёнинг турли минтақаларида тарқалиши, жинсий ва ёш хусусиятлари, шунингдек, ушбу касаллик ривожланишининг асосий хавф омиллари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Чурра касаллиги билан боғлиқ асоратларни аниқлаш ва олдини олишда комплекс ёндашувнинг долзарблигини таъкидловчи клиник кўринишлар, ташхис усуллари ва ўз вақтида даволанмаслик оқибатларига алоҳида эътибор қаратилган. Жаҳон ва маҳаллий амалиёт маълумотларини таҳлил қилиш жарроҳлик тактикаси ва профилактика чораларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Ушбу бобда беморларнинг умумий аҳволини комплекс баҳолаш, ёндош касалликларни даволаш ва операциядан кейинги асоратларни олдини олиш усуллари, шунингдек, фанлараро ёндашув ва рухий-ҳиссий қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти кўриб чиқилган. Жарроҳлик аралашувидан келиб чиқадиган шикастланишларни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берадиган функционал синовлар, овқатланишни қўллаб-қувватлаш ва замонавий анестезиологик стратегияларни ўз ичига олган замонавий тайёргарлик протоколларига алоҳида эътибор қаратилган.

Замонавий герниологик бошқарувнинг муҳим жиҳати беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолашдир. Стандартлаштирилган воситалар ва рақамли технологияларнинг қўлланилиши нафақат беморларнинг жисмоний ва рухий-ҳиссий ҳолатини холисона баҳолаш, балки реабилитацияни индивидуаллаштириш имконини беради, бу эса даволанишдан юқори даражада қониқиш ва умумий фаровонликни яхшилашга олиб келади.

Шундай қилиб, замонавий илмий маълумотлар ва клиник тажрибага асосланган фанлараро ёндашувларни ҳар томонлама ўрганиш ва жорий этиш қорин олд девори чурралари жарроҳлиги самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашнинг кафолатидир.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган **иккинчи бобида** тадқиқот материали ва усуллари тавсифланган, клиник материал, клиник ва инструментал тадқиқот усуллари умумий тавсифи берилган. Тадқиқотнинг асосини 2016 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг жарроҳлик бўлимига ётқизилган 242 нафар қорин чуррасига чалинган беморлар ташкил этди. Касалликнинг клиник кечиш хусусиятига қараб, жарроҳлик аралашувлари режали ва шошилиш тартибда амалга оширилди. Беморларнинг умумий сонидан 96 (39,7%) нафарида чурра таркибининг сиқилиши билан характерланадиган чурраларнинг асоратланган шакллари аниқланган. Қўлланилган жарроҳлик даволаш тактикасига кўра, барча беморлар икки гуруҳга бўлинди (1-расм).

Таққослаш гуруҳини 2016 йилдан 2019 йилгача кузатувда бўлган 108 нафар бемор ташкил этди. Ушбу беморларга герниопластика анъанавий усулда амалга оширилди. Асосий гуруҳни 2020 йилдан 2024 йилгача кузатувда бўлган 134 нафар бемор ташкил этди. Ушбу беморларда жарроҳлик аралашуви полипропилен имплантат ёрдамида ҳам таранглашган, ҳам таранглашмаган усулда амалга оширилди.



1-расм. Беморларнинг тадқиқот гуруҳларига тақсимланиши (n=242)

Таққослаш гуруҳларида беморларнинг асосий фарқловчи белгилар бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.


Жадвал 1.

Таққослаш гуруҳи бўйича беморларнинг тақсимланиши


Фактор отличия	Таққослаш гуруҳи (n=108)		Асосий гурух (n=134)	
	абс.	%	абс.	%
Говак аъзоларни тешилишдан сақлаш учун қурилмани қўллаш (ихтиро патенти № IAP 7951)	14	12,9	134	100,0
Қорин 3-4 даражада осилиб турганда ДЛЕ кўрсатмаларини кенгайтириш	0	0	54	40,3
Ишлаб чиқилган тактик алгоритмни жорий этиш	0	0	80	59,7
«Sublay» туридаги тарангсиз герниоалло-пластиканинг такомиллаштирилган усулини қўллаш	0	0	29	21,6
Операциядан кейинги ҳаёт сифатини баҳолаш дастурини татбиқ этиш	72	66,7%	102	76,1 %

Жарроҳлик тактикасини белгиловчи энг муҳим омиллар чурранинг жойлашуви, нуқсоннинг ўлчами ва анамнезда рецидивларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Chervel J.P. ва Rath A.M. (1999) таснифига кўра, беморларнинг аксариятида (85-70,2%) киндик усти (M1) ва киндик атрофи (M2) чурралари бўлган.


Беморларнинг энг кам сони ён (L) 9 (7,4%) ва қўшма (M+L) 3 (2,5%) вентрал чурралар билан бўлган. 46 (38,0%) беморда катта (W₃) ва гигант (W₄) чурралар аниқланди. 121 нафар бемордан 40 (33,0%) нафарида улар бирламчи, 50 (41,3%) нафарида операциядан кейинги вентрал чурралар (P₀) ва 31 (25,6%) нафарида - рецидив чурралар (P_n) бўлган. Беморларнинг чурра локализацияси, нуқсон ўлчами ва рецидивлар сони бўйича тақсимланиши 2 - 4-расмларда кўрсатилган.



2-расм. Беморларнинг чурра нуқсонининг жойлашувига қараб тақсимланиши (Chervel J.P. и Rath A.M., таснифи бўйича, 1999 й.)



3-расм. Беморларнинг чурра нуқсони ўлчамларига қараб тақсимланиши (Chervel J.P. u Rath A.M., таснифи бўйича, 1999 й.)



4-расм. Анамнезда рецидивлар мавжудлигига қараб беморларнинг тақсимланиши (Chervel J.P. u Rath A.M., таснифи бўйича, 1999 й.)

Инструментал тадқиқот усулларида асосий гуруҳнинг 58 нафар беморида ўтказилган компьютер-томографик герниоабдоминометрия (КТГА) энг кўп маълумот берувчи усул бўлди. КТГА қорин олд девори топографиясидаги нуқсонларни аниқлаш, чурранинг қорин бўшлиғи ҳажмига нисбатан ҳажмини белгилаш, операциядан олдинги тегишли тайёргарликни режалаштириш ва оптимал пластика усулини танлаш имконини берди.

Диссертациянинг «**Қорин олд девори чурраларида герниопластикага операциядан олдинги тайёргарлик хусусиятлари**» деб номланган учинчи боби қорин олд девори вентрал чурралари бўлган беморларни операциядан олдин тайёрлаш хусусиятларига бағишланган. Текширилган беморларнинг аксариятида аниқланган ҳамроҳ терапевтик касалликларни таҳлил қилишга ва уларнинг беморларни операцияга тайёрлаш ҳамда олиб бориш усуллари танлашга таъсирига алоҳида эътибор қаратилган. Юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларини функционал баҳолашни ўз ичига олган комплекс текширув маълумотлари келтирилган бўлиб, бу жарроҳлик аралашуви хавфи даражасини аниқлаш ва операциядан олдинги тузатишнинг мақбул стратегияларини танлаш имконини беради.

Ишда герниопластикадан кейин юзага келадиган физиологик ўзгаришларга, шу жумладан қорин бўшлиғи босимининг ошишига организмни мослаштиришга қаратилган операциядан олдинги умумий ва маҳаллий тайёргарлик усуллари батафсил тавсифланган. Қорин бўшлиғининг сунъий гипертензиясини таъминлайдиган ва операциядан кейинги асоратлар хавфини камайтиришга ёрдам берадиган пневматик камар-бандаждан фойдаланишнинг инновацион усулига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, тромбоэмболик ва стресс билан

боғлиқ асоратларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, ҳамда беморларни операциядан кейинги тикланишни оптималлаштиришга қаратилган махсус нафас олиш ва ҳаракат техникаларига ўргатиш масалалари кўриб чиқилган.


Бобнинг якуний қисми қорин олд деворининг анатомик ва функционал хусусиятларини ҳамда тери қопламаларининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда операциядан олдинги тайёргарликни индивидуаллаштириш масалаларига бағишланган. Семизлик ва сезиларли ёғ фартуги билан оғриган беморларда жарроҳлик майдонини белгилаш ва тери касалликларини даволашга ёндашувлар кўриб чиқилган. Операциядан олдинги тайёргарликнинг кенг қамровли ва кўп босқичли хусусияти унинг жарроҳлик хавфини камайтириш, функционал натижаларни яхшилаш ва операциядан кейинги даврда беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш учун муҳимлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг «**Асоратланмаган вентрал чурраси бўлган беморларни жарроҳлик даволаш усулини танлашнинг техник жиҳатлари ва асосланиши**» деб номланган **тўртинчи боби** қисилмаган чурраси бўлган беморларда вентрал чурраларни жарроҳлик даволаш усулларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, ўз тўқималари ва полипропилен имплантлардан фойдаланган ҳолда герниопластиканинг тортилган ва тортилмаган техникаларини ўз ичига олади. Ушбу бобда операция босқичлари батафсил тавсифланган - чурра қопини тайёрлаш ва унинг бутунлигини сақлаб қолган ҳолда ажратишдан бошлаб қорин бўшлиғи аъзоларини текширишгача, шу жумладан қорин бўшлиғи ички босими кўтарилишининг олдини олиш учун виссеролиз ва чарви резекцияси каби кўшимча аралашувлар. Бирламчи тикиш имкониятини баҳолаш ва пластика тактикасини танлаш учун чурра нуқсони четларини интраоператсион «яқинлаштириш» тестини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу боб, шунингдек, турли хил маҳкамлаш усуллари билан «on lay» полипропилен протезларини имплантация қилишнинг техник хусусиятларини - чурра нуқсонини тикиш ва тикмасдан, шунингдек, асоратларнинг олдини олиш учун операциядан кейинги бўшлиқни дренажлашни ташкил этишни ўз ичига олади. Тавсифланган жарроҳлик усуллари ва операция усулини танлаш мезонлари функционал натижаларни оптималлаштириш ва операциядан кейинги асоратлар хавфини минималлаштиришга қаратилган таққослаш гуруҳидаги беморларни даволашга ёндашувни индивидуаллаштириш имконини беради.

Таққослаш гуруҳидаги 108 нафар бемордан 66 (61,1%) нафарда қисилмаган вентрал чурраси бўлган беморларда маҳаллий тўқималар билан герниопластика ва полипропилен протез ёрдамида герниопластика амалга оширилди (5-расм).

Беморларнинг асосий гуруҳида вентрал чурраси бўлган беморларда жарроҳлик тактикасини танлашни оптималлаштириш учун клиник маълумотлар ва компьютер герниоабдоминометрияси натижаларини ҳисобга олган ҳолда дастур ишлаб чиқилди. Дастурга қорин деворининг ҳолати, чурра дарвозасининг ўлчами, абдоминоптоз даражаси, ёши, шунингдек, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш ва сийдик ажратиш тизимларининг функционал ҳолати каби рецидив хавфи омиллари киритилган. Ҳар бир омил балл шкаласи бўйича баҳоланди, бу герниопластиканинг оптимал усулини танлаш учун беморларни тўртта кичик гуруҳга бўлиш имконини берди.



5-расм. Қисилмаган вентрал чуррали таққослаш гуруҳидаги беморларнинг герниопластика тури бўйича тақсимланиши (n=66)

Минимал хавфга эга бўлган беморлар (5 баллгача, чурра дарвозаси 5 см гача) полипропилен имплантлардан фойдаланган ҳолда лапароскопик герниоаллопластикани олишди. Ўрта ва юқори хавф даражаси (6-10 ва 11-15) нуқсонни тикиш ёки тикмасдан «on lay» эндопротез имплантациясини қўллаш билан боғлиқ. Йирик чурраларда (>15 см) қорин олд деворининг анатомик ва функционал яхлитлигини тиклаш учун комбинацияланган таранглашмаган "onlay + sublay" герниопластикаси қўлланилди (6-7-расмлар).



6-расм. КТГА, бемор П. 59 ёш, КТК 3754/296



7-расм. Нуқсонни тикиш билан «on lay» эндопротез имплантацияси



Шундай қилиб, қорин олд девори чуррасининг асоратланмаган шакллари бўлган беморларнинг асосий гуруҳида КТГА маълумотларига кўра чурра нуқсони ўлчамига қараб дифференциал ёндашув амалга оширилди (2-жадвал).

Асосий гуруҳдаги беморларда яна бир янгилик қорин бўшлиғи ичи бўшлиқ аъзоларини пластика қилиш ёки қорин пардасини тикиш пайтида игна билан жароҳатланишдан «сақловчи» дан фойдаланиш эди. Ушбу қурилмага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 7951).

Ушбу қурилма бўшлиқли диск кўринишида бажарилган ва диаметри 10 дан 20 см гача бўлган думалоқ ёки овал шаклидаги зич полиэтилен матодан тайёрланган. Диск деворларидан бирининг марказига назорат қилиш ёки

қўшимча кириш имкониятини таъминлайдиган найча герметик бириктирилган, бу эса қурилманинг функционаллигини ва жарроҳлик аралашуви пайтида фойдаланиш қулайлигини оширади.

Жадвал 2.

Қорин олд деворининг қисилмаган чурраси бўлган беморларда асосий гуруҳдаги герниопластика турлари

Кичик гуруҳлар	Операция тури	Миқдори	%
Эндовидеохирургик усул			
1-кичик гуруҳ	Лапароскопик герниоаллопластика	16	20,0
Таранглашган пластик усуллари			
2-кичик гуруҳ	Нуқсонни тикиш билан «on lay» эндопротез имплантацияси	29	36,2
Таранглашмаган усуллар			
3-кичик гуруҳ	Нуқсонни тикмасдан «on lay» эндопротез имплантацияси	21	26,2
4-кичик гуруҳ	Нуқсонни тикмасдан «on lay + sub lay» комбинацияланган эндопротез имплантацияси	14	17,5
	Жами	80	100

Ишлаб чиқилган қурилма игнанинг ички тузилмалар билан тўғридан-тўғри алоқасини истисно қилувчи ҳимоя тўсиғини яратиш мақсадида қорин парда ва ковак аъзолар ўртасида жойлаштириш учун мўлжалланган бўлиб, бу интраоператсион жароҳатлар ва кейинги асоратлар хавфини сезиларли даражада камайтиради (8-расм).



8-расм. Қорин олд деворини тикишда говак аъзоларга зарар етказишдан сақлаш учун мослама

Резини найнинг иккинчи учида шар бўшлиғига ҳаво юбориш учун кичик баллон мавжуд. Бўш диск қорин бўшлиғига шундай жойлаштириладики, игна киритиш ва чиқариш жойи говак аъзолардан чегараланади, баллонли най эса операция жароҳатининг ташқарисида қолдирилади. Сўнгра шарга ҳаво юбориб, бўш аъзолардан чегараланган ҳолда жароҳатни хавфсиз тикамиз (9-расм). Ҳимоя вазифасидан ташқари, пневматик қурилма қорин ичи босимини (ҚИБ) оширади. Апоневроз четларига қўйилган қисқичлар ёрдамида чурра нуқсонни четлари бир-бирига тўлиқ ёпиштирилгач, ҚИБ, қон босими, юрак уриш тезлиги ва сатурациянинг ўзгариши кузатилади. Шундан сўнг

герниопластика усулини танлаш масаласи ҳал этилади. Ушбу кўрсаткичлар бироз ўзгарганда, таранг пластика амалга оширилади, агар сезиларли даражада ошган бўлса, тарангсиз герниопластика фойдасига қарор қабул қилинади. Шундай қилиб, операция пайтида беморларнинг ҳолатини баҳолаймиз ва операциядан кейинги даврда уларнинг аҳолини башорат қиламиз. Қорин пардаси ёки апоневрозни 2-3 чок билан тикиш тугагунга қадар дискдан ҳаво чиқарилади. Кейин буришган диск қорин бўшлиғидан хавфсиз олиб ташланади ва қолган 2-3 та олдиндан қўйилган чоклар тортилади (9,10-расм).




9-расм. Жарроҳлик амалиёти пайтида пуфланадиган «сақлагич» қурилмаси



10-расм. Қурилма бўшлиғидан ҳаво чиқарилгандан сўнг қорин бўшлиғидан «сақлагич» қурилмасини олиш

Шундай қилиб, асоратланмаган қорин чурраларини жарроҳлик даволашни танлаш дастури, «сақлагич» мосламасини қўллаш туфайли операция техникаси соддалашди ва операциянинг ушбу босқичини $32,6 \pm 0,5$ дан $23,4 \pm 0,7$ дақиқагача қисқартириш билан қорин олд деворини тикиш ва протезни маҳкамлашда техник қийинчиликларни бартараф этишга эришилди ($P < 0,001$) (11-расм).



Қорин олд деворини тикиш ва протезни маҳкамлаш босқичи
11-расм. Янгиланган техник жиҳатлардан фойдаланганда қорин олд деворини тикиш ва протезни маҳкамлашнинг вақтинчалик даври

Беморларнинг асосий гуруҳида жарроҳлик аралашувининг техник жиҳатларини такомиллаштириш операция жараёнини сезиларли даражада соддалаштириш ва оптималлаштириш имконини берди. Имплантларни маҳкамлашнинг комбинацияланган усулини қўллаш протез материалнинг ишончли барқарорлигини таъминлади, бу эса операциядан кейинги узоқ даврда рецидивларнинг йўқлигига эришишга ёрдам берди. Бундан ташқари, «сақлагич» инновацион қурилмасидан фойдаланиш ковак аъзолар тешилишининг самарали олдини олиш имконини берди, бу эса интраоператсион асоратлар ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайтирди. Ушбу механизм қорин олд деворини

Бобнинг биринчи қисмида таққослаш гуруҳига киритилган беморларни даволаш натижалари кўриб чиқилган (3-жадвал).

Жадвал 3.

Таққослаш гуруҳидаги қисилган чурраси бўлган беморларда герниопластика тури

Чурра тури	Операция тури	Беморлар сони	
		абс.	%
Қисилган киндик чурраси (n=14)	Таранг герниоаллопластика	7	50,0
	Меё операцияси	4	28,6
	Сапежко операцияси	3	38,1
Қисилган ОКВЧ (n=28)	«on lay» усулида таранглашмаган герниоаллопластика	12	25,0
	Қорин олд деворини дубликатланган хусусий тўқималар билан тикиш	16	75,0

Жарроҳлик тактикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, анъанавий усуллардан фойдаланиш - таранглашган герниопластика ва полипропилен имплантлардан фойдаланган ҳолда аллопластика - операциядан кейинги асоратларнинг юқори частотаси билан бирга келади. Ўткир яллиғланиш жараёни, инфекцияланган чурра халтаси ва чурра нуқсони четларини герметик тикиш имконияти йўқлиги фонида, айниқса морбид семизлик билан оғриган беморларда, ичакдан изоляциясиз тўрли протезларни қўллаш яранинг йиринглаши, имплантнинг кўчиши ва ичак оқмаларининг шаклланишига олиб келди. Кейинчалик, узоқ мудатли текширувларда оғир клиник кечиш аниқланган (13-расм).



13-расм. Бемор Л. операциядан кейинги яранинг йиринглаши (к/в 3640/294).
